

**Аҳолининг эпидемиологик барқарорлигини таъминлаш борасида  
2023 йил давомида амалга оширилган тадбирлар**

**I. АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР:**

1. **2023 йилда** болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш учун **205 млрд. сўм** ажратилди, **2017 йилда** ажратилган маблағларга нисбатан **10 бараварга** ортди ва эмлаш камрови **98 фоизга** етказилди. Сўнгги 5 йил давомида эмлаш календарига **4 турдаги янги вакциналар** ҳамда эпидкўрсатма бўйича эмлаш учун **8 турдаги коронавирус вакциналари** киритилди. Натижада, **2017 йилда** қизамиқ ва қизилча касаллиги, **2018 йилда** безгак касаллиги тугатилганлиги тўғрисида **Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти сертификатлари** олинди, **ўлат, вабо, шол, дифтерия, қизилча, қокшол** касалликлари умуман қайд этилмади. **2021 йил** якунига келиб **2017 йилга нисбатан бруцеллез 36 фоизга (310 та ҳолат), вирусли гепатитнинг “В” тури 2 баробарга (122 та ҳолат), вирусли гепатитнинг “С” тури 2,3 мартабага (43 та ҳолат), ОИВ инфекцияси 29 фоизга (1 166 та ҳолат), ўткир юқумли ичак касалликлари 15 фоизга (6376 та ҳолат) камайди.**

**Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш  
борасида 2023 йил давомида амалга оширилган тадбирлар**

**2023 йилда АҚШ касалликларни назорат қилиш марказлари (CDC)** ва **Тошкент тиббиёт академияси** билан биргаликда амалий эпидемиология (FETP) дастури доирасида “Эпидемиология асосларини ўқитиш” бўйича курсларда **20 нафар** мутахассис малакасини ошириб, эпидемиология соҳасидаги илғор тадқиқот услубларини амалиётга қўллаш кўникмаларига эга бўлди.

**АҚШ касалликларни назорат қилиш марказлари (CDC)** билан ҳамкорликда **Қозоғистоннинг С.Асфендияров номидаги Миллий Тиббиёт Университетида** амалий эпидемиология (FETP) дастури бўйича ташкил этилган **2 йиллик магистратурада** грант асосида **2 нафар** эпидемиолог курсни муваффақиятли тугатиб, **3 нафар** мутахассислар ўқишни давом эттирмоқда.

**2022-2023 йилларда** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси тасарруфидаги Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ, Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий амалий тиббиёт маркази, Вирусология ИТИ билан ҳамкорликда **2 та илмий-амалий грант** амалга оширилди.

Бўлимда мувофиқлаштириш фаолияти юзасидан илмий даражалар учун диссертация ишларини режалаштириш, амалга оширилишини кузатиб бориш ва менторлик иши йўлга қўйилган бўлиб, ушбу вазифага мувофиқ **1 нафар мутахассис фан доктори** ишини муваффақият билан якунлади. Ҳозирги кунда **3 нафар ходимлар фалсафа доктори даражаси** учун изланишларини давом эттирмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг илмий-амалий **Журнали**”да маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг изланишлари натижалари бўйича жами **50 дан ортик илмий мақола** чоп этилди.

**2023 йилда** республика бўйича тиббиёт олий таълим муассасаларининг тиббий-профилактика факультетининг **456 битирувчиларининг ишга жойлашиш**

жараёни ҳамда ёш мутахассисларнинг иш фаолияти мониторинги амалга оширилди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 4 июлдаги “Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 272-сонли Қарорига асосан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ташкил этилди.**

Жорий ўқув йилининг сентябр-октябр ойларида марказда **85 нафар** мутахассис бюджет маблағлари ҳисобидан, **30 нафар** мутахассис шартнома асосида **144 соатлик таълим дастурлари** бўйича ўқитилди.

## **II. АҲОЛИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР:**

**1. Муаммо:** Ҳозирги кунда Санэпидкўмнинг ҳудудий бошқармалари ва булимларида **2 493 нафар (52,4 фоиз)** врачлар малака тоифасига эга эмас. Олий маълумотли мутахассисларнинг **1 585 нафари (33,3 фоизи)** умуман малака оширмаган. Ушбу рақамлар соҳадаги мутахассисларнинг билим даражалари анча пастлигини, фан ва амалиётдаги илғор технологиялар ҳамда илмий янгиликлардан беҳабарлигини акс эттиради.

**Таклиф:** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси соҳасида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг малакавий даражаси, дипломдан кейинги таълим олишининг назоратини кучайтириш; барча тиббий ходимлар тўғрисидаги маълумотларни кузатувини амалга ошириш мақсадида **ягона электрон базасини юритиш**, ҳамда изчил равишда кадрларнинг малака оширишини таъминлаш; соҳадаги ҳар бир ходим йиллик иш режасига малака оширишни киритишни таъминлаш ҳамда йилига **камида 36 соат малака оширишни** назоратга олиш. Режа асосида йилига **1000 нафардан** тиббиёт ходими малакасини ошириб борса, юқори малака танқислигини **4 йилда** бартараф этиш мумкин бўлади.

**2. Муаммо:** Санэпидкўмнинг ҳудудий бошқармалари ва булимларида **917,75 врач ставкалари вакант**, олий маълумотли мутахассисларининг **13,7 фоизи нафақа ёшида** бўлиб, устоз-шогирд аъъаналари деярли жорий қилинмаган. Шу билан бирга, ҳудудий бошқармалар ҳамда туман ва шаҳар бўлимларида **701 нафар (14,7 фоиз)** нотиббий олий маълумотга эга мутахассислар фаолият юритиб, улардан **96 нафари (13,7 фоизи)** ихтисосликдан ўтмаган.

**Таклиф:** Тиббий олий таълим муассасаларининг тиббий-профилактика факультети йўналиши **битирувчиларини ишга жойлашиш жараёни** устидан **мониторинг** назоратни кўчайтириш. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва

жамоат саломатлиги соҳасида иқтидорли, ташаббускор, ўз билим ва тажрибасини ошириб борадиган кадрлар ўртасида давра суҳбатларини ташкил қилиш.

### **III. АҲОЛИНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР:**

**3. Муаммо:** Дунёда, Европа ҳамда Ўзбекистоннинг Афғонистон, Покистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон каби қўшни давлатлар билан ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва туризм салоҳияти йилдан-йилга кенгаймоқда. Бу эса, Европа ва қўшни давлатларда қайд этилаётган **полиомиелит, қизамик, қизилча касалликларининг** мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалиш хавфини оширади. Бу жараёнда мамлакатимизга четдан ушбу касалликларни кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш бўйича профилактик тадбирларни такомиллаштириш зарур.

**Таклиф:** 2023 йилда ГАВИ халқаро ташкилотининг 1,5 млн АҚШ долл маблағлари доирасида ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2,9 минг АҚШ долл маблағлари доирасида республика бўйича 1 ёшдаги барча болалар **полиомиелит касаллигига қарши**, давлат бюджетининг 3,0 млн АҚШ доллари маблағлари **қизамик/қизилча қарши** эмланади.

Натижада, ЖССТ томонидан берилган Ўзбекистон полиомиелит касаллигидан холи ҳудуд ва **қизамик/қизилча касалликлари** элиминацияси статуси сақлаб қолинади.

**4. Муаммо:** Бугунги кунда пандемия муносабати билан ҳамда режали эмлашларни ўз вақтида олиб борилмаслиги, эмлашдан бош тортишларнинг кўпайиши бутун дунёда ва қўшни давлатларда вакцина билан **бошқарилувчи юқумли касалликлар - дифтерия, коқшол, қизамик, қизилча, кўк йўтал, полиомиелит** каби юқумли касалликлар бош кўтармоқда ва қизамикни асоратидан ўлим ҳолатлари мавжуд.

**Таклиф:** Режали миллий эмлаш жадвали асосида 13та турли юқумли касалликларга қарши эмлаш жараёнини доимий равишда узлуксиз олиб борилиши шарт ва уларга қарши ишлатиладиган вакциналарни ЮНИСЕФ ташкилотидан сотиб олиш учун аждатиладиган маблағ (20 млн. АҚШ долл) ўз вақтида ажратилиб вакциналарни жадвал асосида олиб келиб эмлаш тадбирлари ўз вақтида ўтказишдир.

### **Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш борасида 2023 йил давомида амалга оширилган тадбирлар**

2023 йилда АҚШ касалликларни назорат қилиш марказлари (CDC) ва Тошкент тиббиёт академияси билан биргаликда амалий эпидемиология (FETP) дастури доирасида “Эпидемиология асосларини ўқитиш” бўйича курсларда 20 нафар мутахассис малакасини ошириб, эпидемиология соҳасидаги илғор тадқиқот услубларини амалиётга қўллаш кўникмаларига эга бўлди.

АҚШ касалликларни назорат қилиш марказлари (CDC) билан ҳамкорликда Қозоғистоннинг С.Асфендияров номидаги Миллий Тиббиёт Университетида амалий эпидемиология (FETP) дастури бўйича ташкил этилган 2

йиллик магистратурада грант асосида **2 нафар** эпидемиолог курсни муваффақиятли тугатиб, **3 нафар** мутахассислар ўқишни давом эттирмоқда.

**2022-2023 йилларда** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси тасарруфидаги Санитария, гигиена ва касб касалликлари ИТИ, Эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий амалий тиббиёт маркази, Вирусология ИТИ билан ҳамкорликда **2 та илмий-амалий грант** амалга оширилди.

Бўлимда мувофиқлаштириш фаолияти юзасидан илмий даражалар учун диссертация ишларини режалаштириш, амалга оширилишини кузатиб бориш ва менторлик иши йўлга қўйилган бўлиб, ушбу вазифага мувофиқ **1 нафар мутахассис фан доктори** ишини муваффақият билан якунлади. Ҳозирги кунда **3 нафар ходимлар фалсафа доктори даражаси** учун изланишларини давом эттирмоқда.

**“Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг илмий-амалий Журнали”**да маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг изланишлари натижалари бўйича жами **50 дан ортиқ илмий мақола** чоп этилди.

**2023 йилда** республика бўйича тиббиёт олий таълим муассасаларининг тиббий-профилактика факультетининг **456 битирувчиларининг ишга жойлашиш** жараёни ҳамда **ёш мутахассисларнинг иш фаолияти мониторинги** амалга оширилди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 4 июлдаги** “Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **272-сонли Қарорига** асосан **Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази** ташкил этилди.

Жорий ўқув йилининг сентябр-октябр ойларида марказда **85 нафар** мутахассис бюджет маблағлари ҳисобидан, **30 нафар** мутахассис шартнома асосида **144 соатлик таълим дастурлари** бўйича ўқитилди.

**5. Муаммо:** Ҳозирги кунда Санэпидқўмнинг ҳудудий бошқармалари ва булимларида **2 493 нафар (52,4 фоиз)** врачлар малака тоифасига эга эмас. Олий маълумотли мутахассисларнинг **1 585 нафари (33,3 фоизи)** умуман **малака оширмаган**. Ушбу рақамлар соҳадаги мутахассисларнинг билим даражалари анча пастлигини, фан ва амалиётдаги илғор технологиялар ҳамда илмий янгиликлардан беҳабарлигини акс эттиради.

**Таклиф:** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси соҳасида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларининг малакавий даражаси, дипломдан кейинги таълим олишининг назоратини кучайтириш; барча тиббий ходимлар тўғрисидаги маълумотларни кузатувини амалга ошириш мақсадида **ягона электрон базасини юритиш**, ҳамда изчил равишда кадрларнинг малака оширилишини таъминлаш; соҳадаги ҳар бир ходим йиллик иш режасига

малака оширишни киритишни таъминлаш ҳамда йилига **камида 36 соат малака оширишни** назоратга олиш. Режа асосида йилига **1000 нафардан** тиббиёт ходими малакасини ошириб борса, юқори малака танқислигини **4 йилда** бартараф этиш мумкин бўлади.

**6. Муаммо:** Санэпидкўмнинг ҳудудий бошқармалари ва булимларида **917,75 врач ставкалари** вакант, олий маълумотли мутахассисларининг **13,7 фоизи нафақа ёшида** бўлиб, устоз-шогирд анъаналари деярли жорий қилинмаган. Шу билан бирга, ҳудудий бошқармалар ҳамда туман ва шаҳар бўлимларида **701 нафар (14,7 фоиз)** нотиббий олий маълумотга эга мутахассислар фаолият юритиб, улардан **96 нафари (13,7 фоизи)** ихтисосликдан ўтмаган.

**Таклиф:** Тиббий олий таълим муассасаларининг тиббий-профилактика факультети йўналиши **битирувчиларини ишга жойлашиш жараёни устидан мониторинг** назоратни кўчайтириш. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида иқтидорли, ташаббускор, ўз билим ва тажрибасини ошириб борадиган кадрлар ўртасида давра суҳбатларини ташкил қилиш.